

Жахон адабиёти хазинаси

панчатантра

ёхуд беш муқаддас китоб

насибани ●
афғонин

қўстларнинг ●
жудо бўлиши

қарралар ба ●
бодқушлар ҳақида

қўстлар ●
орғирин

ноқрон ●
қилиқлар





ԳՄՏԴԼԱՐ
ՕՐՏՏՐԱՍ



«Дўстлар орттириш» деб номланган иккинчи китоб шу ердан бошланади. Мана унинг биринчи банди:

Гарчи ожиз, қашшоқ эрур, лек доно иш
кўрса дўстлар
Худди қарға, кийик, сичқон,
тошбақадай енгиб чиқур.

Шаҳзодалар сўрашди:

– Бу қандай бўлди?

Вишнушарман ҳикоя қилди:

– Жануб томонда Прамадаропя деган шаҳар бор. Унинг атрофларида шохлари йўғон ва қалин ўсган баниян дарахти бўлиб, ҳамма унинг соя-салқинидан баҳраманд эди. Бежиз айтилмаган:

Қалин шохлар ичра юзлаб қушлар уя қуришган,
Соясида ётур кийиклар.
Маймунлар ҳам ошён топиб, унинг бағрида ўйнар
Фувиллашиб бол арилар.
Асал йиғар гулларидан. Эъозланар ўша дарахт
Ҳар қачон шулар важдан.
Барча олур ундан баҳра. Ким айтадир ерда бекор
Яшаётир у нобакор деб?

Шу дарахтда Лагхупатанака деган қарға ҳам яшарди. Бир куни у овқат қидириб шаҳарга жўнади ва шунда баниян тагига итларини эргаштириб қуш овловчи келганини кўрди – овчининг афт-башараси кўрқинчли, қўл-оёқлари тирналган, болдирлари ўйна-

ган, териси ғадир-будир, сочлари тикка-тикка, кўзларига қон тўлган эди. Қўлида тўқмоғи ва тўри бор эди. Кўп сўз не ҳожат? Овчи қўлида сиртмоқ тутган Калага ўжшар, қуйиб қўйган гуноҳи азимнинг ўзгинаси, турган-битгани бедодлик эди, унга қараб туриб, барча ярамас ишларнинг сарвари, ўлимнинг малайи деб ўйлаш мумкин эди. Қарға уни кўргач, ўйлаб қолди: «Бу баттол ўзи нима қилмоқчи? Мени ўлдирмоқчимикин ёки бошқа бировни?». Шунга билгиси келган қарға овчининг орқасидан учди. Овчи тўрини ёйди, тепасига дон сочди ва шу орада биқиниб ётди. Атроф-теварақдаги қушлар Лагхупатанака томонидан огоҳлантириб қўйилгани учун худди заҳар сочилгандай гурунч доналарига тегмадилар ва ўз турган ерларидан жилмадилар.

Бу орада юзлаб кабутарлар қуршовида дон излаб юрган кабутарлар подшоси Читрагрива узоқдан мана шу гурунч доналарини кўриб қолди. Подшоҳ қарғанинг огоҳлантиришларига қулоқ солмай очкўзлик қолиб чиқиб ерга қўнди ва ҳали дондан чўқимай туриб, бошқа кабутарлар билан бирга кўз очиб юмгунча тўрга тушди. Дарвоқе, бу ерда кабутарнинг айби йўқ – омад кетганда шундай бўлади қисматда.

Донолар ҳам баъзида туриб қолар ёмон тузоққа,
Пешонага битган бўлса – ақл танлар экан янглиш
йўл.

Шунда овчи хурсанд бўлиб кетиб, тўқмоғини кўтарганча кабутарларга ташланди. Читрагрива эса йўлдошлари ҳамда ўз бошига тушган бахтсизликка қарамай, ўзини йўқотиб қўймасдан, кабутарларга деди:

– Қўрқманглар, қўрқманглар! Барчамиз баробар учайлик – ўзимиз билан тўрни ҳам кўтариб кетамиз. Ҳамма барабар учмаса, тўрни кўтаролмаймиз. Бир ёқадан бош чиқарсак, қутуламиз. Акс ҳолда ҳалок бўламиз. Айтганлар-ку:

Битта қорин, икки бўйин – овқатлари турли-туман,
Жанжал чиқиб ўртасида қуш жонига жабр бўлди.

Кабутарлар сўрашди:

– Бу қандай бўлди?

Читрагрива ҳикоя қилди:

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

– Бу ердаги бир кўлда бхарунда деган қушлар яша-
шарди. Уларнинг ҳар бирида битта қорин ва иккита-
дан бўйинлари бор эди. Кунлардан бир кун бхарунда
айланиб юриб, битта бўйинини чўзиб, гулнинг шарбати-
ни ича бошлабди. Шунда унинг иккинчи бўйини дебди:

– Менга ҳам бер.

Биринчи бўйин шарбат беришдан бош тортибди,
шунда иккинчиси қандайдир заҳар топибди-да, ютиб
юборибди. Шундан кейин ҳар икковлари ҳам тил торт-
май ўлиб қолибдилар. Ахир уларнинг қоринлари бит-
та экан-да.

Шунинг учун айтяпман-да: «Битта қорин, икки
бўйин...» деб. Бизнинг кучимиз – ҳамжиҳатликда.

Кабутарлар буни эшитгач, халос бўлгилари келиб,
барчалари бирваракай осмонга кўтарилиб, тўрни ҳам
ўқ етмас тепага олиб чиқиб кетибдилар – ҳавода худ-
ди чодир осилгандай бўлиб қолибди. Улар шу тариқа
дадил парвоз қилибдилар. Қушбоз бошини кўтариб
кабутарлар тўрни олиб учаётганларини кўриб, оғзини
очиб қолибди ва: «Ёпирай, бу қандай бўлди», деб байт
ўқибди:

– Тўда-тўда қушлар тўрни олиб узоқларга

қочарлар,

Лекин жанжаллашиб қолсалар, яна ушлаб оларман.

Шу фикрга келиб, у қушлар ортидан тушибди. Читрагрива баттол қувиб келаётганини кўриб, унинг ниятини фаҳмлабди-да, қўрқмай ўтиб бўлмас ўрмон ва тоғлар устидан учибди. Шунда қарға Читрагриванинг ақлига, қушбознинг эса қабиҳ қайсарлигига таажжуби ошиб, овқатни ҳам эсдан чиқариб, кабутарлар тўдаси орқасидан учибди ва ўзига-ўзи шундай савол берибди: «Бу олижаноб қуш нима қиларкан, манов пасткаш эса қандай йўл тутаркин?» Мана, ниҳоят, овчи ўтиб бўлмас жойларга дуч келиб, энди кабутарларга етолмаслигига кўзи етибди-да, умидини узиб, орқага қайтибди ва шу сўзларни айтибди:

Қисматда ёзилган бўлади,
Бўлмагай битмаса тақдирда.
Абасдир йўқ учун югурмак
Чиқиб кетар ўлжанг қўлингдан.

Овни ташламасам бўлмайди. Ҳатто оиламни боқиб турган тўрни ҳам йўқотиб қўйдим.

Овчи уларга етиб олишдан умидини узганлигини ва орқага бурилганлигини кўриб, Читрагрива ҳамроҳларига деди:

– Бежавотир учинглар. Баттол овчи орқага қайтди. Энди энг яхшиси, Прамадаропия шаҳрига қараб равона бўлайлик. У ерда шимоли шарқ томонда менинг суюкли дугонам – Хираня деган сичқон яшайди. У бирпасда тўрни кемириб ташлайди ва бизни қутқаради.

Шундан сўнг улар ҳаммалари Хираняни тезроқ кўриш учун шошилдилар, ниҳоят унинг ғалати қилиб қурилган инига етиб келиб, ерга қўндилар. Ахир:

Барча хатарлардан омон сақланайин деган сичқон
Ҳар томонга ерни қазиб, йўллар солиб инин қурди.

Бу орада нима гаплогидан беҳабар Хираня қуш қанотларининг патирлаган овозидан қўрқиб, инининг

мушук панжаси етмайдиган энг чуқур ерига беркин-ди-да, ўша ердан туриб нима бўлаётганлигини кузата бошлади. Читрагрива эса ин оғзига яқин келиб, деди:

– Қадрдон Хирани! Тезроқ буёққа чиқ. Аҳволимни бир кўр.

Хирани буни эшитиб, ётган жойидан туриб овоз берди:

– Ўзинг ким бўласан, қадрдон? Нега келдинг? Бошингта нима ташвиш тушди? Айтиб бер.

У жавоб қилди:

– Мен кабутарлар подшоҳи Читрагриваман, сенинг дўстинг бўламан. Тезроқ чиқа қол.

Сичқон буни эшитиб, ғоятда хурсанд бўлиб, инидан югуриб чиқди ва деди:

Кўзларнинг қувончи дўстлар муҳаббатга лим-лим
тўлиб,
Ёр-биродарлар дийдорин кўргали ҳозир эрурлар.

Сичқон Читрагрива ўз аъёнлари билан бирга тўрға илиниб қолганлигини кўриб, сўради:

– Қадрдон, қандай қилиб илиниб қолдинг?

У жавоб берди:

– Қадрдон, сўраб нима қиласан, ўзинг кўриб турибсан-ку? Айтилган-ку ахир:

Қачон, қандай, нимага, яна қанчалар,
Қилғиликлар қиламиз – яхшидир, ёмон.
Ўшанда, анавиндай, ниҳоят, шунинг-чун
Тақдир тақозоси деб, жабрини тортамиз.

Ва яна:

Юз йўжандан узоқда қуш кўрар ўлжасини
Ёнда тузоқ пайқамас, қисматда ёзган шундай.

Эса яна:

Баландларда учади қушлар
Лек хатардан омон йўқ.
Денгиз ичра сузар балиқлар
Қутулмас балиқчидан.
Панадаги омон қоларми?
Қайга беркинма нафсиз.
Лўттибоз тақдир қўли узун
Қўймай тутар бўғзингдан.

Шунда Хираня Читрагривани банддан озод қила бошлади, лекин у сичқонни тўхтатди:

– Қадрдон! Бундай қилиш ярамайди. Аввал ҳамроҳларимни банддан озод қил.

Хираня жаҳли чиқиб, деди:

– Йўқ, тўғри эмас. Аввал хўжа, сўнг хизматкорлар. У айтди:

– Ундай дема, қадрдон! У шўрликлар бошқаларни демай менга хизмат қиладилар. Ахир, уларни сийламай бўладими? Бунинг устига мени қутқаргач, тишинг оғриб қолса-чи? Ё баттол овчи қувиб келса-чи? Унда мен тўғри жаҳаннамга тушаман-ку. Айтилган-ку ахир:

Содиқ қуллар кулфат тортиб, бир чеккада турса ҳукмдор,

Сўнг азобин тортар бунинг, дўзахга тушар беомон.

Буни эшитиб Хираня деди:

– Мен ҳукмдорнинг азми қандайлигини биламан, сени бир синаб кўрмоқчи бўлдим, холос. Ҳозир мен ҳамма қулларингни бўшатаман, улар сендан миннатдор бўлишади.

Хираня шундай деб барча кабутарларни тўрдан озод қилди ва Читрагривага қараб айтди:

– Энди маконингга қараб уч, қадрдон.

Шундан сўнг Читрагрива ҳамроҳлар: билан бирга уйга учди. Буларнинг барини – Читрагриванинг тўрға тушгани, банддан қандай озод бўлганини кўрган қарға дилдан ҳайратга тушиб, ичиди уйлади: «Мунча ақлли экан бу Хираня! Ғайратини қаранг! Инини ҳам боғлаб қўрган экан! Мен ҳам у билан дўст бўлишим керак. Гарчи табиатим мудом ўзгариб туради, ҳеч кимса менга ишонмайди ва ҳеч ким мени лақиллатолмайди – шундай бўлса-да, барибир дўст орттиришим керак».

У шундай ўйлаб, дарахтдан пастга тушди ва инга яқинлашиб, Хираняни чақирди:

– Қадрли Хираня! Бусққа чиқ!

Буни эшитиб, сичқон ўйлади: «Ким бўлди? Шаҳот яна тўрға илиниб қолган биронта кабутар чақиряпти?» У сўради:

– Ҳой, кимсан?

Қарға деди:

– Мен қарға Лагхупатанака бўламан.

Шунда Хираня инига янада чуқурроқ яшириниб, деди:

– Азизим! Жўна бу ердан.

Қарға қўнмади:

– Мен муҳим иш билан оҳдинга келдим. Сени кўришим керак.

Хираня деди:

– Мен сен билан гаплашмайман.

Қарға деди:

– Мен Читрагривани тўрдан қандай қутқарганингни кўрдим. Сенга қойил қолдим. Бир кунмас бир кун тўрға тушиб қолсам, мени қутқариб олишинг мумкин. Менга дўст бўлсанг дедим.

Хираня деди:

– Бироқ сен ваҳшийсан, мен эса – ўлжа. Ўртамизда қандай дўстлик бўлиши мумкин? Йўлингдан қолма.

Қарға айтди:

– Мен ининг оғзида ўтирибман. Агар менга дўст бўлишини истамасанг, мен ҳаётдан воз кетаман.

Хираня деди:

– Азал душман билан қандай дўст бўлай? Бекор айтмаганлар:

Ғаним неча азоб чекмасин
хавфлидир аҳд боғламоқ,
Сув қанча қайноқ бўлмасин,
олов уни дўст тутмас.

Қарға айтди:

– Нега биз душман бўлишимиз керак? Ахир бир-биримизни ҳеч қачон кўрган эмасмиз-ку. Нега номақ-бул сўзларни сўйлайсан?

Хираня эътироз билдирди:

– Йўқ. Душманлик икки турли бўлмай: азалий ва орттирилган. Орамизда – азалий душманлик бор.

Душманчилик орттирсанг,
Йўл топ – қилса бўлур бартараф,
Азалий бўлса душман
Ўлимдан топура таммат.

Қарға айтди:

– Айтиб беролмайсанми, икки турли душманчилик қандай бўлади?

Хираня тушунтирди:

– Орттирилган душманчиликнинг бир аниқ сабаби бўлади. Шунинг учун агар душманга яхшилик қилсанг, адоват тугайди. Азалий душманчиликнинг охири йўқ. Жайра ва илон, ўтхўр ва дарранда, сув ва ўт, худолар ва демонлар, итлар ва мушуклар, хотин ва маъшуклар, арслонлар ва филлар, озчилар ва кийиклар, қарғалар ва бойқушлар, донолар ва аҳмоқлар, вафодор хотинлар ва бузуқлар, яхшилар ва ёмонлар ўртасидаги душманчилик азалий. Гарчи бирлари иккинчиларига сира ёмонлик қилмаган бўлсалар-да, барибир, улар доим ўзининг азалий ғанимини янчиб ташлашга уринади.

Қарға эътироз билдирди:
– Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Манави яхши сўзларни эшит:

Сабабсиз дўст бўлмагай,
 бўлмас сабабсиз душман,
Инчунин юз ўгирмас,
 дўстликдан доно одам.

Хираня жавоб берди:
– Хўп, сен билан қандай гаплашаман? Яхписи тингла, яхши муомаланинг моҳияти, мана, нимада:

Бевафо бирла дўст бўлма –
 ҳалок айлар охир сени,
Хачир шўрлик ўлгай тамом
 гар бўйида бўлса ногоҳ.

Қарға айтди:
– Бу тўғри. Лекин яна бир тўғри гап бор:

Эгиликдан яқинлашар одамлар,
 маҳлуқ топишар тасодифдан,
Тентакларни бирлаштирар тама,
 яхши танилаур бир қарашда.

Ҳар ҳолда мен ростини айтяпман. Ундан ташқари, сен мендан қўрқмаслигинг учун қасам ичишим мумкин.

Хираня жавоб берди:
– Ичган қасаминга ишонмайман. Ахир, айтишганку:

Бир тешик бас маккор ганим
 суқулиб кирмоғига,
Биз ўлурмиз уммон ичра
 тешилган кема мисол.

Ва яна:

Олтин тутса икки қўлаб –
ишонма душманларга,
Ёлгон сўйлар хотинга ҳам –
хароб айлар сени тамом.

Қарға бунни эшитгач, унга индамади ва ўйланиб қолди: «Жўяли муомала ҳақида қандай яхши фикрлар айтяпти! Мен у билан албатта дўстлашувим керак». Кейин у айтди:

– Кел, дўст бўлайлик. Акс ҳолда мен ўзимни ўлдирман. Хираня эса фикрлади: «Гап-сўзидан кўриниб турибди, у унчалар аҳмоқ эмас. Шунинг учун, у билан дўст тутинсам ёмон бўлмайди».

Шу ҳақда ўйларкан, у қарғага деди:

– Азизим! Сенга ишонгим келяпти. Сен билан тортишганимнинг сабаби – сени синаб кўрмоқчи бўлдим. Энди эса бошимни сенинг кўксингга қўйсам дейман.

Шундай деб, у ин оғзига келди, лекин бирдан бўсағада тўхтаб қолди. Шунда Лагҳупатанака айтди:

– Наҳотки сен ҳалиям менга ишонмасанг ва уйингдан ташқари чиқишга қўрқсанг?

У жавоб берди:

– Сенинг фикру хаёлингни биламан, шунинг учун ҳам қўрқмайман. Лекин мен бир кунмас бир кун сенинг янги дўстингга ишониб нобуд бўламан.

Шунда қарға деди:

– Бездирмоқчи бўлар экан
янгиси эски дўстлардан
Дарҳол кечгил ундан ортиқ –
гуруч бериб тарик олма.

Бунни эшитгандан сўнг сичқон инидан дадил югуриб чиқди ва икков бир-бирларига ҳурмат кўрсатиб

омонлик-эсонлик қилишдилар. Бирпасдан сўнг Лаг-хупатанака Хираняга деди:

– Майли, ўз инингга қайт. Мен энди овқат излайман.

Шундай деб, у сичқон билан хайрлашди ва ўрмон ичкарисига қараб учди. Бу ерда у шер ўлдирган ёввойи кўтос тўшини топди, қорнини тўйдирди ва киншука тусидаги бир парча лаҳим олди-да, Хираня қошига қайтди, уни чақирди:

– Буёққа чиқ, буёққа чиқ, азизим. Сенга гўшт олиб келдим, татиб кўр.

Сичқон ҳам меҳрибончилик қилиб, унга тариқ ва гуруч тайёрлаб қўйган эди, жавобан деди:

– Азизим, сенга гуруч олиб қўйган эдим, ол, ундан татиб кўр.

Гарчи ҳар икковлари ҳам тўқ бўлсалар-да, бир-бирларига меҳрибончилик кўрсатиб, тамадди қила бошладилар. Зотан, дўстлик удумларидан бири ҳам шундайдир. Ахир, айтилган-ку:

Олти ишни қилсин дўстлар:
совға бериб, совга олсин,
Сирин айтиб, ҳол сўрасин,
меҳмон бўлиб, меҳмон қилсин.
Кўп гап не ҳожат?
Эту тирноқ маҳкам бўлур,
лек юз карра зўрроқ севги
Икки дўстни иноқ этти –
азал-абад тўзмас банди.

Қарғанинг меҳрибончиликларидан сичқоннинг кўнгли шунчалар ийдикки, у кўпинча узоқ вақт давомида қарға қаноти остида ўтирадиган бўлди.

Бир куни қарға кўзлари ёшга тўлиб учиб келди-да, тутила-тутила ўпкаси тўлиб деди:

– Азизим Хираня! Мен бу ердан учиб кетаман, бу юрт жуда жонимга тегди.

Хираня сўради:

– Нега жонингга тегди?

Қарға деди:

– Кулоқ, сол, азизим. Бу юртда қаттиқ қурғоқчилик бўляпти. Одамлар оч қолиб, қурбонлик қилмай қўйишди. Устига-устак ҳар бир уй олдида тузоқ бор. Тақдирнинг марҳамати билан тузоққа тушмай омон қолдим. Шунинг учун ҳам кўзёшларим оқизиб, бошқа юртга учиб кетаман.

Хираня сўради:

– Қаёққа учмоқчисан, айтиб бер?

Қарға деди:

– Жануб ўлкасида чангалзор ўрмонда катта қўл бор. Ўша ерда менинг энг яхши ўртоғим, ҳаттоки сендан ҳам яқинроқ оғайним – Мантжарака деган тошбақа яшайди. У мени тўйимли балиқлар билан боқади. У билан ширин суҳбатлар қуриб, яхши ҳикматли гаплардан сўйлашиб, вақтимни хуш ўтказаман. Қушларга қирон келтиришларига бу ерда жим қараб туролмайман. Тўғри айтишган:

Бахтиёр эрур азалдан

дўстлар кулфатин кўрмаган –

Қардошларин ўлимини,

ўз хотинин ёт қучоқда.

Хираня айтди:

– Ундай бўлса мен ҳам сен билан борай. Менинг ҳам бошимга бахтсизлик тушди.

Қарға сўради:

– Не бўлди?

Хираня жавоб берди:

– Бунинг ҳикояси узоқ. Етиб борганимиздан сўнг батафсил айтиб бераман.

Қарға деди:

– Бироқ мен ҳавода учаман, сен ерда юрасан. Менга қандай ҳамроҳ бўласан?

Сичқон жавоб берди:

– Агар мен керак бўлсам, елкангга ўтқазиб олгинда, аста учиб кетавер.

Қарға буни эшитиб, хурсанд бўлиб деди:

– Бахтим бор экан! Мендан ортиқ бахтлироқ кимса йўқ! Айтганингдай қиламан. Мен ахир саккиз турли учишнинг барини биламан, улардан биринчиси – биргаликда учиш. Шунинг учун сени осонгина кўтариб учаман.

Хираня буни эшитиб, унинг елкасига чиқиб олди ва улар биргаликда парвоз қилдилар. Ниҳоят улар кўл бўйига етиб келдилар. Бу орада ҳамма ишни ўз вақтида саранжом-саришта қиладиган Мантхарака қарға билан унинг елкасида ўтирган сичқонни кўриб қолди. «Бу ким бўлди?» деб ўйлади-да, апил-тапил сувга шўнғиди. Лагхупатанака эса Хираняни кўл бўйида ўсган дарахт тешигига жойлаб ўзи шохга ўтирди ва баланд овоз билан қичқирди:

– Ҳой, Мантхарака! Қайдасан! Мен дўстинг қарға бўламан. Сени анчадан бери кўрмай жуда соғиндим. Кел, бир кучоқлашиб кўришайлик!

Буни эшитиб, тошбақа эски дўстини таниди ва қувонганидан йиғлаб, шоша-пиша сувдан чиқди. «Кечиргайсан, мен сени танимабман», деб дарахтдан пастга учиб тушган Лагхупатанакани кучоқлаб олди. Улар дарахт тагида ўтириб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрадилар, бошларидан ўтган воқеаларни сўйлаб бердилар.

Хираня ҳам Мантхаракага таъзим қилиб, яқин келиб ўтирди. Тошбақа қаргадан сўради:

– Бу сичқон ким? Нега уни ейиш ўрнига елкангга кўтариб бу ерга олиб келдинг?

Лагхупатанака буни эшитиб, деди:

– Бу сичқоннинг исми Хираня, менинг жондан ҳам яқин ўртоғим бўлади. Кўп сўздан нима фойда?

Худди ёмғир томчисидек,
худди кўкда юлдузлардек,
Худди қуруқ тупроқ узра
кўзга илинмас ғубордек,
Сон-саноқсиз сичқонбойнинг
қилган яхши ишлари.
Лек дунёдан безган шўрлик –
ўлтирур мана қошингда.

Мантхарака сўради:

– Нега дунёдан безади?

Қарға деди:

– Ҳали учиб келмасимиздан олдин ундан сўраган эдим: «Бунинг ҳикояси узун. Боргач айтиб бераман», деб эди. Мана энди, бизга хотиржам ҳикоя қилиб бер, азизим Хираня, нега дунё кўзингга тор кўриниб қолди?

Хираня ҳикоя қилди:

ИККИНЧИ ҲИКОЯ

– Жануб мамлакатада Прадаропя деган шаҳар бор. Бир маҳаллар унинг атрофларида Межешвара ибодатхонаси бўларди. Шу ерда роҳиб Бутакарна ўз ҳужрасида ночор кун кечирарди. У тиланчилик қилар ва унинг косасини турли лаззатли ноз-неъматлар, мой, қанд-курс, ширинликлар, қиём ҳамда анор шарбати-га тўлдириб берардилар. У ҳужрасига қайтгач, улардан керагича истеъмолад қилар, қолганларини идишга солиб, қозиққа осиб қўяр, уни эрта билан хизматкорлар олиб кетар эдилар. Мен ўз биродарларим билан шу ҳужрада истиқомат қилардим. Кунлар шундай ўтарди. Идишни доим баланд қозиққа илиб қўйишларига қарамай, мен барибир унга чиқиб овқат ердим. Бундан роҳибнинг ғашни келар, ниҳоят бир куни тоқати тоқ бўлиб, идишни бошқа баландроқ жойга осиб қўйди. Лекин мен у ерга ҳам осонгина чиқиб,

тўйгунча овқат ердим. Ниҳоят, бир куни хужрага дарвиш Брихатспхиг келди. Бутакарна уни яхши кутиб олди, хурматини жойига қўйди. Ва ҳорғин йўлчи чарчоғини чиқарсин деб, хўп хизмат қилди. Қоронғи тушгач, улар бир тўшакка чўзилиб, бир-бирларига имон йўлига оид ҳикоялардан сўйлай бошладилар. Бу орада Бутакарнанинг фикр-ёди мендан қандай қилиб қутулишда эди, у дам-бадам қўлидаги қамиш таёғи билан овқат солинган идишни туртиб қўяр, Брихатспхигнинг тақводор ҳикоясига ўринли-ўринсиз сўз қўшарди. Ниҳоят, меҳмон буни сезиб қолиб, қаттиқ хафа бўлди ва жаҳл билан деди:

– Ў, Бутакарна! Мен билан дўстликдан кўнглинг совутанлигини кўриб турибман, суҳбатимизга кулоқ солмай қўйдинг. Шунинг учун ҳозир кечаси бўлишига қарамай хужрангни тарк этаман ва бошқа ерга кетаман. Ахир, айтганлар-ку:

Кучоқ очиб қутмасалар, бизга чиқиб пешвоз,
Карамли сўз айтмасалар, у ерга бормаган яхши.

Сен хужра эгаси бўлиб, ғурурланиб кетибсан, дўстингдан юз бурибсан. Сенинг караминг мунофиқликдан бошқа нарса эмас, сенинг асл жойинг жаҳаннамнинг ўзи-ку? Тентак! Йиғлаш керак бўлган жойда сен керилиб ўтирибсан.

Бу сўзларни эшитиб, Бутакарнанинг юраги қўрқувдан ўйноқлаб кетди ва шундай жавоб берди:

– Ў, муҳтарам зот! Ундай дема. Менинг сендан ўзга дўстим йўқ. Ҳозир сенга паришонлигим боисин айтиб бераман. Менинг озуқа идишимга уни қанчалар баланд илиб қўймай ҳар куни сичқон чиқади ва менга садақа қилинган таомларнинг қолганини ейди. Оч қолган хизматчилар эса хужрани йиғиштирмайдилар ва бошқа ишларни адо этмайдилар. Мана шунинг учун ҳам мен сичқонни қўрқитай деб, дам-бадам қамиш таёқ билан садақа идишга уриб ўтирибман. Хаёлим

қочишининг бошқа сабаби йўқ. Бу баттол қандай қилиб мушук ва маймунлардан ҳам баланд сакрайди, ҳеч билолмайман?

Брихатсизниг сўради:

– Унинг ини қаердалигини биласанми?

Бутакарна жавоб берди:

– Билмайман, эй, муҳтарам зот.

Дарвиш деди:

– Унинг ини хазина устида жойлашган бўлса керак, хазинадан қаттиқ ҳарорат чиқади – шунинг учун у ана шундай баланд сакрайди.

Ахир айтилган-ку:

Кўп пул йиққан баланд парвоз қилади албат,
Бор мулкени бўлиб берган парвоз қилар
яна баландроқ.

Ва яна:

Қани, нега Шандили, хўш,
оқланмаган кунжутини
Алмашди тозаланганга.
Алдамоқчи бўлди кимни?

Бутакарна сўради:

– Бу қандай юз берди?

У ҳикоя қилди:

УЧИНЧИ ҲИКОЯ

– Кунлардан бир кун бир шаҳарда бўлган эдим. Ёмғир фасли эди, бир браҳмандан бошпана сўрадим. У менга меҳмоннавозлик қилди ва унинг уйида турдим, худонинг иши билан шуғулландим, ўз вазифамни бажариб юрдим. Бир куни эрталаб барвақт уйғондим, уй эгаси билан хотини ўртасида шундай гапни эшитдим. Браҳман деди:

– Эй брахманнинг хотини! Бугун куёш ёзги қарор-
гоҳига киради, у кўп яхшиликлар олиб келади. Қиш-
лоққа бориб, одамлардан хайру садақа қабул қила-
йин. Сен эсанг, шу байрамга биронта брахманни зиё-
фат қил.

Хотин буни эшитиб, бобиллади:

– Ўзинг ночор брахман бўлсанг, сенга зиёфатни ким
қўйибди? Уялмайсанми шундай дегани? Ахир ўзинг
уйлаб кўр:

Хийла замон хотинингга
карам айламас тақдир,
Қорним тўйиб овқат емай,
Янги либос гамин ейми?

Икки қайта туғилган буни эшитиб, хавотирга туш-
ди:

– Ундай гапирма.

Ким бермайди сўраганга
жилақурса бирор бурда нон?
Топиларми шундай бойлар –
бойроқ бўлай деб ёнмаган?

Баъзилар яна айтадиларки:

Истакларни ўлдирма кўп –
бўлма ҳаддан зиёд очкўз,
Очкўз бўлса киши гоҳо
кўринар бошида пўпак.

Брахман хотини сўради:

– Бу қандай юз берди?

Брахман ҳикоя қилди:

ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ

– Бир мамлакатда пулинда қабиласидан бўлган бир кимса яшарди. Бир куни у овга жўнади ва худди Маханжан тоғи каби катта қобонга дуч келди. Ўлжани кўргач, пулинда ёйни кулогигача тортди-да, тўнғизни ўткир ўқ билан урди. Тўнғиз қаҳрга миниб, худди ойнанинг ўроғидай оқарган тиши билам пулинданинг қорини ёриб ташлади ва у ширин жондан айрилиб ерга қулади. Аммо овчини ҳалок қилган қобоннинг ўзи ҳам ўлди. Бу орада ўлар ҳолатга келган бир шағол изғиб юрарди. Қобоннинг тўши ва овчининг ўлигини кўриб, у хурсанд бўлиб кетди ва ўйлади: «Тақдирнинг марҳамати, у менга егулик тортиқ этди. Рост айтганлар:

Ер юзида яшаймиз, тақдир ўзи буюрган
Хоҳ аччиқдир, хоҳ ширин неъматин тотимоқни.

Шундай тотинмоқ керакки, токи бу егулик анчага етсин. Ёйнинг бир четидан бошлай қоламан. Айтганлар-ку:

Ўлжа кирса қўлингга, еб битирма бир зумда
Доно шарбат ичгандай шошмасдан егил таом».

У шундай фикр қилиб, камоннинг бир четини тортиб, ёйни ражий бошлади. Ёй дарҳол чарсиллаб узилди, шунда ўқ-ёйнинг учи шағолнинг танглайини тешиб, бошини ёриб ташқари чиқди ва худди пўпакка ўхшаб қолди. Шағол шўрлик тил тортмай ўлди.

/ Учинчи ҳикоянинг охири /

Шунинг учун айтаман-да: «Истакларни ўлдирма кўп...» Шунда брахман яна деди:
– Наҳот эшитмаган бўлсанг?

Қоринда ётгандаёқ пешонага ёзилар
Давлат, билим, ҳаммаси ва ҳаётнинг муҳлати.

Ушбу насиҳатни эшитиб, хотин жавоб берди:

– Уйимизда озроқ кунжут бор. Уни оқлаб, меҳмонга таом ҳозирлайман.

Брахман шундан сўнг қишлоққа қараб кетди. Хотини кунжутни қайноқ сувга солиб ишқаб оқартирди-да, офтобга қўйди. У уй юмушлари билан овора бўлиб юриб эди, қандайдир бир ит кунжутни ҳўллаб кетди. Хотин буни кўриб, хафа бўлди: «Оҳ! Пешонам қурсин! Кунжутни ҳаром қилди. Энди уни олиб бориб бировдан оқланмаган кунжутга алмашлаб келай. Ким бунга рози бўлмайди». Шундан сўнг у кунжутни тўр саватга солиб уйма-уй юра бошлади:

– Ҳой! Оқланган кунжутни оқланмаганга алмашадиганлар борми?

Ниҳоят, у мен садақа сўраб турган эшикка келиб, шу сўзларни такрорлади. Уй бекаси хурсанд бўлиб, тозаланган кунжутни олиб ўрнига тозаланганини берди. Кўп ўтмай эри кўчадан қайтиб келиб, сўради:

– Жоним, нима қилдинг?

Хотини деди:

– Мен тозаланмаган кунжут бериб, тозаланганини олдим.

Шунда эр ўйланиб қолди, сўнг сўради:

– Кимнинг кунжути?

Камандаки деган ўғли жавоб берди:

– Шандили ойимники.

Шунда уй эгаси деди:

– Жоним! Бу хотин жуда айёр ва эпчил. Яхшиси, бу кунжутни ташлаб юбор. «Қани, нега Шандили...»

/ Иккинчи ҳикоянинг давоми /

Хуллас, унинг шунчалар баланд сакрашига сабаб хазинадан чиқаётган ҳарорат. У шундай деб, сўради:

- Сен унинг қилиқларини биласанми?
 Бутакарна деди:
 – Биламан, тақсир. У бир ўзи эмас, тўдасини бошлаб келади. Брихатсгжиг сўради:
 – Бирон капчанг борми?
 Бутакарна деди:
 – Нега бўлмасин. Темир капча бор.
 Меҳмон айтди:
 – Барвақтроқ туриб, сичқоннинг изини топишимиз керак.

Мен ёздаги чақмоқдай кутилмаган бу сўзни баттолнинг оғзидан эшитиб, ўйладим: «Эвоҳ! Мен ҳалок бўлдим. Тамом. У мени нобуд қилмоқчи. Хазинани қидириб топса, албатта, менинг уйимга дуч келади».

Кўрққанимдан қалтираб, бошқа йўлга бурилдим, ҳамроҳларим ҳам менга эргашдилар. Тўсатдан бизга каттакон мушук ташланди. У тўда ўргасига чанг уриб, кўп ҳамроҳларимни нобуд қилди. Озгина тирик қолган сичқонлар сен шу йўлдан бизни бошладинг деб мени қарғаб, ерни ўз қонларига бўяганча инларига қочишди. Хўб айтганлар, ахир:

Тутқун кийик тўрдан қутулди
 ўз эркини топган сўнг
 Ёнғин тушган ўрмон ичидан
 зиён кўрмай югурди.
 Тутқич бермай кетди ўқларга,
 лек йиқилди қудуққа...
 Эвоҳ, омонлик йўқ қисматдан,
 кулфатидан, ғамидан.

Шундай қилиб, мен бир ўзим бошқа ерга яшириндим, қолган сичқонлар эса тентаклик қилиб эски уяга қочдилар. Дарвиш қон изидан бориб ин оғзигача келди-да, ерни кавлай бошлади. Ниҳоят, у хазинани топди. Мен шу хазина устида яшардим, унинг ҳовуридан куч олиб, энг чиқиб бўлмайдиган жойларгача

чиқардим. Шунда хурсанд бўлиб кетган дарвиш деди:

– Ў, Бутакарна! Энди бежавотир ухлайверсанг бўлади. Сичқон хазинанинг қўридан зўрайиб сенга уйку бермаган.

У шундай деб, хазинани олди-да, хужрага қайтди. Мен эсам, уйга қайтиб, бу ғариб, хароб кулбага ҳатто қарагим келмасди. «Эвоҳ! Энди нима қилдим? Қаёққа бораман? Дилимга не таскин бераман?» деб ўйлардим. Кунни оғир қайғули хаёлларга ботиб ўтказдим.

Нурафшон қуёш ботгач, мен ғам-аламга чўмиб, мажолсиз ҳолда яна ҳамроҳларим билан хужрага келдим. Бутакарна шитирлашни эшитиб қамиш таёғи билан садақа идишни турта бошлади. Шунда унинг дўсти деди:

– Оғайним! Нега сен бутун тинч ётмайсан?

Бутакарна жавоб берди:

– Тақсирим! Ярамас сичқон яна ўз ҳамроҳлари билан бирга келганга ўхшайди. Уларни ҳайдамоқчи бўляпман.

Бироқ меҳмон кулиб деди:

– Ташвиш чекма, оғайним! У давлати кетиб, сакрашдан ҳам маҳрум бўлди. Барча жонзотларнинг қисмати шундай. Айтилган-ку ахир:

Одам ўғли шаддод бўлса, тили ботир, зўрабор,
Бил: кудрати бойликдандир, давлат қутуртиради.

Бу сўзларни эшитиб, мен ғазаб отига миниб, бор кучим билан тепага – садақа идиш томон сакрадим, лекин етолмадим, ерга йиқилдим. Душманам бунни кўриб, Бутакарнага деди:

– Биродарим! Кўр бу ғаройиб томошани. Айтилган-ку ахир:

Тишсиз илон кулгили жуда
кучсиз филлар фил саналмас,
Қаҳатда қолган ҳар қашшоқ –
одам ўрнида кўрилмас.

Буни эшитиб, ўйланиб қолдим: «Эвоҳ! Душманам
ҳақ гапни айтяпти. Эндиликда бир қарич сакрагани
мадорим йўқ. Давлатдан маҳрум ҳаётга лаънатлар
булсин. Айтилган-ку ахир:

Камбағалнинг яхшилиги кўринмайди азалдан,
Пулинг булса офтоб каби дунёни ёритурсан.
Қашшоқликка кўникканлар ғам чекмаслар
унчалар.

Тўқ яшаб ўрганган бой қийналар давлат кетса.
Оҳ, камбағал юрагида орзулар бош кўтарса,
Бева кўкси мисоли шалпайиб тушар зумда».

Менинг хазинам дарвиш ёстиғининг тагида ётган-
лигини кўриб, аламим зиёда бўлиб, дармоним қуриб
инимга қайтдим, бу орада хизматкорларим йиғилиб
гуфтуғ қилишарди:

– Унинг орқасидан юрганимиз билан қорнимизни
тўйдиролмайди. Бизни мушуклар еб битиради ёки
бошимизга бошқа бир кулфат тушади. Унинг марҳа-
матидан бизга не фойда?

Йул-йўлакай уларнинг бу сўзларини эшитиб, инимга
кириб кетдим. Ҳамроҳларимдан биронтаси орқамдан
кирмади, чунки энди дафина йўқ эди. Шунда мени
ўй босди: «Эвоҳ! Қуриб кетсин камбағалчилик! Хўп то-
пиб айтганлар:

Дўст булмаса, кўнгил бўм-бўш,
Бола йўқдир – уйинг бўм-бўш,
Тентак учун эл-юрт бўм-бўш,
Қашшоқларга тўрт томон бўш!

Менга ўхшаганларга кулфат келтирадиган бойлик-
нинг нима кераги бор? Бор буд-шудимдан ажралдим,
энди ўрмонга кўчиб кетсаммикин? Айтганлар-ку:

Қадр топган жойингда яша,
Ҳурматинг йўқ ердан қочгил,

Бир зум турма, гар саройдир,
Гар қасрдир – дарҳол кетгил!

Шунда яна ўйландим: «Камбағалчилик ўлгандан
ёмон! Айтилган-ку:

Қуртлар кемириб битирган,
танасин олов йитирган
Қадди эгик дарахт ҳатто
бахтлироқ қашшоқ ҳолидан.

Ва яна:

Эҳтиёждан уятли бўлар одам,
обруйини йўқотар,
Хор-зор бўлиб, зулм остида эзилиб,
ҳаётдан қўнган қолар,
Туганмас умидсизлик ўртар жонини,
телбасаро югурар:
Телба яшар ҳалокат ёқасида...
сабабчиси йўқчилик».

Ва яна:

Қашшоқликдан эзилгунча
ўзин ўтга отган афзал,
Юҳо зикналардан ҳаргиз
тилангандан ўлим авло.

Бу аҳволда қандай яшаб бўлади? Ўғирлик қилган-
дан нима фойда? Бундай қилиш – ўзга молин ейиш –
янада ёмонроқ! Ахир:

Ёлғон сўйлаб оғиз бўяб
юргандан қотган яхши,
Ўзганинг маҳрамин йўлдан
ургандан сўлган яхши.

Қабиҳ тухмат ёрдиригандан
бирова ўлган яхши,
Киши олтинин олгандан
қашшоқ бўлиб юрган яхши.

Хулмас калом, мен ўзга сарқитин ейишим керак экан-
да. Шўрим курсин! Шўрим! Менга бу йўлга киргандан
ўлган яхши. Шунинг учун мен қандай қилиб бўлмасин,
Брихатсиҳиг олиб кетган дафинамни қўлга киритишим
керак. Мен қутичани унинг ёстиғи тағида кўрдим. Май-
ли, ўлсам ўларман, лекин хазинамни қутқарай!»

Шундай хаёллар билан мен хужрага келдим ва дар-
виш уйқуга кетган заҳоти ичкарига кирдим. Лекин
қутичани энди тешган эдим ҳамки, дарвиш уйғониб
қолди ва бошимга қамиш калтаги билан урди. Ҳалок
бўлишимга оз қолди, зотан, қисматимда ҳали яшаш
бор экан. Ахир:

Пешонага битгани бўлар банданинг,
Худо унга қилолмагай монелик.
Афсус чекмоқ, ачинмоқ ҳам хатодир:
Сенга ато қилинган ўзгага ўтмас.

Қарға билан тошбақа сўрадилар:
– Бу қандай бўлди?
Сичқон ҳикоя қилди:

БЕШИНЧИ ҲИКОЯ

– Бир шаҳарда Сагарадатта деган савдогар яшар-
ди. Бир куни ўғли юз рупийга китоб сотиб олди. Унда
шундай деб ёзилган эди:

«Пешонага битгани бўлар банданинг».

Бу китобни кўриб, Сагарадатта ўғлидан сўради:
– Неча пулга олдинг?

У деди:

– Юз рупийга.

Сагарадатта бунни эшитиб, деди:

– Туф! Сен жуда аҳмоқ экансан. Юз рупийга атиги битта сўз ёзилган китоб сотиб олибсан. Бундай ақлинг билан сен давлат орттиролмайсан. Ортиқ менинг уйимга қалам қўйма.

У ўғлини сўкиб, ҳайдаб юборди.

Ўғил хафа бўлиб, узоқ юртга кетди ва бир шаҳарга жойлашди. Бир қанча кун ўтгач, бир шаҳарлик ундан сўради:

– Қаердан келгансан? Отинг нима?

У жавоб берди:

– Пешонага битгани бўлар банданинг.

Ушбу саволни бошқа одам ҳам берди, йигитча унга ҳам шундай жавоб қилди. Ҳар сафар ундан исмини сўрашганда, у доим бирдай жавоб берарди. Уни шундай деб чақиришга одатландилар: «Пешона...»

Кунлардан бир кун подшоҳнинг навниҳол қизи гўзал Чандраматидугонаси билан шаҳарни томоша қилиб юрган эди. Тақдир тақозоси билан унинг кўзи бағоят гўзал шаҳзодага тушиб қолди. Малика уни кўрган заҳоти Кусумабананинг ўқиға дучор бўлиб, дугонасига айтди:

– Жоним! Бугундан қолдирмай мени у билан учраштириб қўй. Бунни эшитиб, дугонаси зудлик билан шаҳзода қошига келди-да, деди:

– Мени Чандраматидугонаси юборди. Сенга шу гапларни етказишимни топширди: «Манобхаванинг ҳукми билан юракдан қаттиқ яраландим. Сен дарҳол қошимга етиб келмасанг, мен хароб бўлдим».

Бунни эшитгач, шаҳзода деди:

– Унинг олдига бориш учун саройга киришим керак. Қандай кираман?

Маликанинг дугонаси айтди:

– Саройнинг тоmidан кечаси узун арқон таплашадди, сен шунга осилиб чиқасан.

У рози бўлди:

– Сизнинг қарорингиз шу бўлса, майли, бош эгаман.

Шундай шартлашиб, дугонаси Чандрамадининг ҳузурига қайтди. Тун киргач, шаҳзода ўйлади:

«Жанобу хизматкор, дўст хотинин йўлдан уриш
Коҳинларни ўлдиргандай жуда оғир гуноҳ ишдир».

У шундай қарорга келиб, малика билан учрашувга бормади. Бу орада «Пешона» деб аталган бояги йигитча кечаси айланиб юриб, сарой тоmidан осилиб тушган арқонни кўриб қолди. Бу нима экан деб, қизиқиб, шу арқондан юқорига кўтарилади. Малика эса буни ўша йигит деб ўйлади: «Ўзи келди». У йигитга сув тутди, ноз-неъматлар билан меҳмон қилди, либослар кийдирди ва турли навозишлар билан кўнглини олиб, у билан тўшакка кирди. Йигит бағрига киргач, у бениҳоя лаззатланиб, деди:

– Сени кўрдиму севиб қолдим. Сенга ўзимни бағишлайман. Бошқа бировни хаёлимга ҳам келтирмайман. Нега мен билан сўйлашмайсан?

Йигитча жавоб берди:

– Пешонага битгани бўлар банданинг.

Бу сўзлардан маликанинг юраги орқасига тортиб кетди ва унга арқондан пастга тушишни буюрди. У пастга тушиб, бузилган ибодатхонага бориб ётди. Худди мана шу ерга тунги қоровул бошлиғи маъшуқасига учрашув ваъда қилган эди. Учрашув айтилган ерга келиб, қоровулбоши уни кўриб, сирим ошкор бўлиб қолмасмикин деган хавотирда сўради:

– Кимсан?

Йигитча жавоб берди:

– Пешонага битгани бўлади.

Буни эшитиб, қоровулбоши деди:

– Бу ихром бўш. Бор, менинг тўшагимга бориб ёт.

Йигитча ҳўп деб, лекин билмасдан бошқа каравотга, қоровулбоши Винаяватининг ёш гўзал қизи ётган

каравотга бориб чўзилди. Қоровулбошининг қизи бошқа одам билан ваъдалашган, унинг келишини кутиб ётарди. «Пешона» келгач, қоронғида унинг кимлигини пайқамай: «Севгилим келди», деб, у билан гандхарвлар расмига кўра бирга қўшилди. Йигит билан ётаркан, кўзлари ва лаблари нилуфардай очилган гўзал сўради:

– Нега мен билан сўйлашмайсан?

Йигит деди:

– Пешонада битгани бўлади.

Қиз: «Эҳтиётсизликнинг оқибати шу-да», деб хавотирланиб, уни қарғаб ҳайдаб юборди.

Кўчадан бора туриб, у чолғу овозларини эшитди, шунда келиннинг ҳузурига кетаётган бошқа мамлакатдан келган куёв Варакиртини кўрди. «Пешона» тўйчиларга қўшилди. Бу орада юлдузларнинг саодатли яқинлашуви рўй берди. Савдогарнинг қизи бўлмиш келин бахт келтирувчи байрам либосларини кийиб, катта кўчада жойлашган савдогар уйининг дарвозаси олдидаги кўшк ва меҳроб ёнига бориб турди. Шунда бирдан ўз соҳибини ўлдирган қутурган фил чопиб келиб, ҳаммани қўрқитиб юборди. Куёв ва унинг навкарлари филни кўриб, ҳаммалари ҳар ёққа қочиб кетдилар. «Пешона» ҳамма ташлаб кетган, ўтакаси ёрилган қизга ачиниб, унга далда берди: «Ҳеч қўрқма – мен сени қутқараман». Сўнг қизнинг бир қўлидан ушлаб, иккинчи қўли билан филни ҳайдай бошлади. Тақдирнинг тақозоси билан фил кетиб, Варакирти куёв навкарлар ҳамда қариндош-уруғлари билан бирга қайтиб келганда, энди юлдузларнинг саодатли яқинлашув дамлари ўтиб кетган, келиннинг қўлини бошқа бир одам ушлаб турарди.

Шунда Варакирти деди:

– Ҳой, қайин ота! Бу ишинг ножўя. Бизга ваъда қилган қизингни бошқага бериб юборибсан.

Қизнинг отаси эътироз билдирди:

– Филдан қўрқиб сизлар билан қочган эдим, мана ҳозир сизлар билан бирга қайтиб келдим, бу ерда нима бўлганини билмайман.

У шундай деб, қизини уриша бошлади:

– Болам! Яхши иш қилмабсан. Айт-чи, нима бўлди ўзи?

Қиз жавоб берди:

– Бу киши мени ҳалокатдан қутқазди. Шунинг учун то тирик эканман, ундан бошқа ҳеч ким менга эр бўлолмайди.

Фаройиб ҳодисаларга тўлган ушбу кеча ўтди.

Эрталаб, одамлар тўпланганини кўриб, бўлиб ўтган галати воқеани эшитиб, подшоҳнинг қизи савдогарнинг уйига келди. Воқеани эшитган қоровулбошининг қизи ҳам шу ерда эди. Кўп ўтмай халойиқ йиғилганини кўрган подшоҳ ҳам қадам ранжида қилди ва «Пешонадан сўради:

– Қани, бу ерда нима бўлганини оқизмай-томизмай айтиб бер-чи.

Йигит жавоб берди:

– Пешонага битгани бўлади.

Шунда подшоҳ қизи байтни эслаб деди:

– Унга худонинг ўзи ҳам бас келолмайди.

Шунда қоровулбошининг қизи ҳам гапга қўшилади:

– Ҳар кимнинг насибаси – ўзига.

Шунда подшоҳ уларнинг ҳаммаларига омонлик ваъда қилиб, бўлган воқеани сўради. Ҳаммасидан хабардор бўлгач, подшоҳ иззат-икром билан қизини йигитга берди ва унга минг қишлоқни бағишлади. Кейин: «Ахир менинг ўғлим йўқ-ку», деб уни тахтга ворис қилиб тайинлади. Шундан сўнг йигит ўз хонадони билан барча ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиб, бахтли-саодатли яшади.

Шунинг учун айтяпман-да: «Пешонага битгани бўлади». Шунда яна Хираня деди:

– Ана шундан кейин мен пул кетидан қувмай қўйдим. Ростдан ҳам, хўб айтганлар:

Чинакам заковат билимдандир,
Чин шараф албатта карамдандир.
Иллатлардан қутулолган ақлли,
Давлатига бино қўймас бадавлат.

Ва яна:

Ўлиб-тирилиб, бой бўлай деб,
 тикан-тошда ётдим мен,
Не хорликлар кўрмадим мен,
 бор дўстлардан айрилдим,
Денгизлардан ошиб ўтдим,
 олиб юрдим синган сопол –
Ташна бўлдим! Раҳминг келсин –
 айт, не азоблар кутайин?
Оғзи қийшиқ бой гапирса
 ҳамма қулоқ тутади,
Қашшоқ доно бўлсин майли –
 тингламаслар лек гапин.

Мен ўйлаб-ўйлаб, ўз гўшамга жўнадим, олдимга Лаг-хупатанака бориб қолди ва бу ерга кўчиб ўтишни таклиф қилди. Ана шундай қилиб, бу ерга келиб қолдим.

Мана энди нимадан хафа эканлигимни билдинг. Бекорга айтилмаган:

Дунё сенга тобе бўлсин,
 ё яшагил қашшоқ ҳол
Агар таом вақти етса,
 гуруч ебон тўйиб ол.

Буни эшитиб, Мантхарака уни юпата бошлади:
– Азизим! Сен бегона юртларда юрган бўлсанг ҳам, бундан кўнглингни бузма. Сендек оқил одамга бу ярашмайди. Ахир айтилган-ку:

Ботир деган ўзгармайди ўз юртида,
ўзга элларда,
Қайга борса ўрнатади ўз ҳукмини,
қойим туради:
Худди шундай арслонлар қўрқитадир
барча махлуқни
Ўрмон ичра ўлдирилган филлар шоҳининг
қонин ичадир.

Шунинг учун, азизим, кўнглингни чўктирма! Ким-
ки ғайратли ва бардам бўлса, доим пул ҳам, роҳат ҳам
уники. Айтилган-ку ахир:

Журъатсизлик қилса кимки,
Танбал бўлса, итоатгўй
Ҳазар қилар ундан Лакшми
Қари эрдан худди ёш хотин.

Ва яна:

Жасоратинг бўлмаса гар,
Ёрдам қилмас билимларинг.
Қўлидаги ёниқ шамни
Кўра олмас кўзи ожиз.
Бергувчини – сўровчига,
ожизларни – зўравонга,
Камбағални – бой бўрсиққа
айлантирар қодир қисмат.

Мард одамлар учун ўз элими, ўзга элими, фарқи йўқ.
Айтилган-ку ахир:

Қайга борса ўз жойини,
ўз тинчини албат топгай
Ботирлару донишмандлар,
кўркамлару ўктамлар.

Гарчи сен давлатингдан айрилган бўлсанг-да, ҳар қалай, бошқалардан фарқинг бор, сен доно ва жўмардсан. Шу сўзларни эсла:

Мард йўқсилнинг ҳурмати бор ҳар ерда,
Юраксиз бойлардан нафратланурлар.
Ит бўйнига осилса олтин занжир
Нарра шер бўлолмагай зоти улуғвор.

Ва яна:

Қўрқоқликни енгиб ўтган жаҳаннамдан чўчимас,
Кўринмагай Меру баланд, туюлмагай уммон
чексиз.

Ва яна:

Ачиниб ўтирма йўқотсанг,
Талтайма келса гар омадинг.
Мисоли сакраган коптокдай
Паст-баланд учишар одамлар!

Бунинг устига худди сув юзидаги жубобдек дов-давлат ва ёшлик тез ўтиб кетади. Бекорга айтмаганлар:

Бевафолар муҳаббати, жононалар, бойлик, ёшлик,
Гуллар, булутлар сояси бир зум роҳат бериб ўтгай.

Шунинг учун тез қўлдан чиқадиган бойликка эга оқил киши уни хайру садақа ва роҳат-фароғатга сарфлаши керак.

Тўғри деганлар:

Едирмай, ичирмай, бошқа билан бўлишмай,
Дов-давлат тўпламоқ – нафи йўқ иш албатта.
Мисоли шундайки – бўйи етган қиз каби
Аллаким бегонага хасм бўлгай оқибат.

Ҳар ҳолда ҳаммаси тақдирга боғлиқ. Айтганлар-ку ахир:

Хоҳ ўтга туш, хоҳ жангга юр,
Хоҳ ғорга кир, хоҳ уммонга.
Бемаънидир кўрқиб ўтирмақ,
Қазо буюргани бўлади!

Энг катта бойлигинг – сиҳат-саломатлигинг ва хотиржамлик. Айтилган-ку ахир:

Садақадан қимматроқ хазина,
Вазминликка тенг бўлган давлат,
Карамдан ҳам чиройли либос,
Соғлиқдан ҳам қиммат бахт қайда?

Сен ташвишта ботиб ўтирма: «Мол-мулксиз қандай яшайман?» деб. Ахир бойлик ўткинчи, матонат боқийдир. Кўп сўз на ҳожат? Гапнинг маъзини чақ: бир тоифа одамлар пулни айш-ишратга сарфлайдилар, бошқалари йиғдилар. Яна шундай дейилган:

Кимдир давлат топди, аммо худди тентак бўзчи
Сомилакадай фойда кўрмай чангалзорда яшади.

Хираня сўради:
– Бу қандай бўлди?
Мантхарака ҳикоя қилди:

ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ

– Бир қасабада бичиқчи Сомилака яшарди. У подшоҳ хизматкорлари учун турли-туман кўркама либослар тикар, бироқ топган пули еб-ичишга-ю кийим-бошгагина етарди, холос. Бошқа жўн, одми кийим-бош тикувчи ҳунармандлар анча кўр-қут орттираётганликларини кўриб, у хотинига айтди:

– Жонгинам! Жўнгина кийим-кечак тикиб юрганларнинг егани олдида, емагани ортида. Ортиқ бу ерда яшашга тоқатим қолмади, бошқа жойга кўчаман.

Хотини эътироз билдирди:

– Вой, ўзим ўргилай! Сиз бошқа жойга кўчганингиз билан пул кўпайиб қолмайди. Айтилган-ку ахир:

Тақдирда ёзилган бўлади албат
Қазода битмаган бўлмагай буткул.
Фойдасиз ишнинг кетидан қувмоқ –
Қўлингдаги нақдни мисли бой бермоқ.

Ва яна:

Нур ва соя азалдан бир-бирдан ажралмасдир
Холиқ билан махлуқ ҳам чамбарчасдир ҳар қачон.

Шунинг учун бу ердан кетманг ва ўз машғулотингизни ташламанг.

У эътироз билдирди:

– Жонгинам! Тўғри гапирмадинг. Агар дадил ҳаракат қилмасанг, ҳеч қандай ишдан наф кўрмайсан. Айтилган-ку, ахир:

Қуруқ орзу эмас, иш бирлан мақсадга том етарлар,
Ҳар эриниб ётса арслон оҳуга не панжа ургай.

Шунинг учун мен албатта бошқа ерга боришим керак.

Шундай деб, у Вардхамана деган шаҳарга йўл олди. У ерда уч йил яшаб, уч юз тилла танга топди. Ва ниҳоят ўз юртига қайтди.

Ярим йўлга етганда, қоронғи ўрмон ичидан бораётган маҳалда кун ботди. Унинг юрагига қўрқув тушди-да, анжир дарахти устига чиқиб, ухлаб қолди. Ярим кечада уйқу ичида қулоғига икки одамнинг гаплари чалинди. Бири деди:

– Ҳой, Картар! Сенга неча марта айтдик, Сомилаканинг кийим-бош ва озиқ-овқатдан бошқа ҳеч нарсаи бўлмаслиги керак. Сен уни бойитмаслигинг даркор. Нега унга уч юз тилла танга бердинг?

Бошқаси деди:

– О, Карман! Тиришқоқ одамларни меҳнатга яраша тақдирлаш – менинг бурчим. Улар ишининг натижаси сенга боғлиқ. Олиб кет унинг давлатини.

Тикувчи буни эшитиб, уйғониб кетди ва тангалар тутиб қўйилган тутунчага қаради, тутун бўшаб қолган эди. Шунда у ўйлаб кетди: «Афсус! Бу давлатни узоқ вақт йиққан эдим, ҳолбуки, бирпасда йўқотдим. Барча заҳмат чекканларим абас бўлди! Хотиним ва ёрбиродарларим қошига бу аҳволда қандай бораман? Ўйлай-ўйлай у яна Вардхамана шаҳарига жўнади... Бир йил деганда у беш юз тилла танга ишлади ва яна уйга қараб равона бўлди, лекин бу сафар йўлни бошқа томондан солди.

Қуёш ботганда, у яна кўз ўнгида ўша анжир дарахтини кўрди. Шунда у ўйлади: «Шўрим қуриди! Шўрим! Бадкор тақдир мени яна анжир қиёфасига кирган рақшасага дучор қилди!» У шундай деб, яна дарахт тепасига чиқиб олмоқчи бўлиб турган эди, бирдан бояги икковининг гапларини эшитди. Бирови айтди:

– Картар! Нега Сомилака беш юз тилла топишига йўл қўйдинг? Ахир сен биласан-ку, унинг ризқи кийим-кечагу емак-ичмақдан ортиқ бўлмаслиги керак?

Бошқаси айтди:

– О, Карман! Менинг вазифам хизматига кўра тақдирлаш. Улар ишининг натижаси эса сенга боғлиқ. Нимага мени айбляяпсан?

Сомилака буни эшитиб, дарҳол тугунини ечиб қаради ва у бўшаб қолганини кўрди. Шунда дунёдан қаттиқ мутанаффир бўлиб, ёзғирди: «Эвоҳ! Бор-йўримдан айрилдим, энди япашнинг қизиғи қолмади. Бу кунимдан манови дарахтга осилиб ўлганим яхши».

У шунга қарор қилиб, қийиқ ўтлардан арқон ясади, сиртмоқни бўйнига илди, дарахт устига чиқиб, арқонни шохга боғлади, ўзини эндигина пастга ташлайман деб, чоғлаб турган эди, осмонда аллақандай бир одам пайдо бўлиб деди:

– Ҳой, Сомилака! Ўйламай иш қилма. Сенинг пуларингни мен олиб қўйдим. Уст-бош ва егулик-ичгуликдан бошқа нимарсанг бўлишига йўл қўймайман. Уйингга бор. Лекин мен билан учрашганинг учун афсусланма. Тила тилагингни.

Сомилака деди:

– Ундай эса менга кўп бойлик бер.

У қўнмади.

– Пулни бошингга урасанми, азизим? Сен уларни айш-ишрат ва хайру садақага сарф қила олмайсан-ку? Сенга ато қилгани бирдан-бир кийим кийиш фароғати.

Сомилака деди:

– Майли, роҳатим бўлмаса бўлмасин, барибир пулим бўлишини хоҳлайман. Ахир айтилган-ку:

Таги паст бўлса ҳам кошки,
Кошки бўлса бадбашара,
Ҳар қалай агар бой бўлса
Ҳар ким уни ҳурмат қилар.

Ва яна:

Осилиб тушгандай гўё
ерга қулай деб туради
Ўн беш йилки унга қараб
яшасам-да қулай демас.

Одам сўради:

– Менга бунни айтиб бер.

Сомилака ҳикоя қилди:

ЕТТИНЧИ ҲИКОЯ

– Бир шаҳарда Праламбавришана деган ҳукиз яшарди. Унинг соққа халталари ергача осилиб тушганди. Шаҳвати вужудига сирмай у тўдасини ташлаб кетди ва ўрмонда сандироқлаб кун кечира бошлади, у дарё ёқаларидаги ерларни шохлари билан ўйиб, ўпириб ташлар, зумрад майсаларнинг учини чимдиб ерди. Ўша ўрмонда Пралобхика деган чиябўри яшар, бунинг маъноси «очкўз» дегани эди. Кунлардан бир кун чиябўри хотини билан дарё бўйида бемалол ўтирганди. Шу пайт Праламбавришана сув ичгани тушди. Унинг икки орқа оёғи орасидан икки соққаси осилиб ётганини кўриб, чиябўрининг хотини эрига деди:

– Анави осилган гўшт бўлагини кўринг, отаси. У тезда узилиб тушади, шунинг учун унинг орқасидан боринг.

Чиябўри айтди:

– Жонгинам! Унинг узилиб тушишидан умид йўқ. Нега менинг бўйнимга бунақа бўлмайдиган ишни орт-япсан? Сув бўйида ўтириб, биз сув ичгани тушган каламушларни овлаймиз. Ахир уларнинг йўллари шу ердан ўтади. Агар мен ҳукизнинг орқасидан юрсам, бошқа биров келиб жойимизни эгаллаб олади. Шунинг учун бундай қилмаслик керак. Айтилган-ку ахир:

Тайин ишдан қочиб кимса
йўқ нарсани хаёл қилса,
Охир қолур қўли бум-бўш
вақтини бой бериб қўяр.

Чиябўрининг хотини деди:

– Вой, қўрқор-эй! Жиндек нарса топганингга суюниб ўтирибсанми? Бу тўғри эмас. Одам ғайратли бўлиши керак. Айтилган-ку ахир:

Жасоратинг ақлингга эш,
матонатли, ғайратли бўл –
Ҳеч шубҳасиз меҳнатларинг
рўшноликка олиб чиқур.

Боз устига сичқон гўшти жонимга тегди. Анави
ғўдда-ғўдда, гўшт эса тезда ерга узилиб тушади, бун-
га ишончим комил. Шунинг учун айтганимдай қил,
бошқача йўлга юрма.

Буни эшитгач, чиябўри сичқон тутиб ўтирган ери-
ни ташлаб Праламбавришана кетидан кетди. Яхши
айтганлар ахир:

Хотинларнинг ширин сўзин
асири бўлсанг мабодо
Ҳаром-ҳалол ажратмайсан
гуноҳ фарқига етмайсан.

У шундай қилиб, хотини билан бирга узоқ йиллар
ҳўкизнинг орқасидан юрди. Соққаларнинг узилиб ту-
шишидан дарак йўқ эди. Ниҳоят, ўн беш йил деганда,
чиябўри воятда умидсизланиб, хотинига деди:

Осилиб тушгандай бўлиб,
ерга қулай деб туради,
Ўн беш йилки унга қараб
яшасам-да қулай демас.

Афтидан, ҳеч қачон узилиб тушмайди. Ундан кўра
юр, бориб сичқон овлайлик.

/ Олтинчи ҳикоянинг охири /

Шунинг учун ҳам: «Осилиб тушгандай бўлиб...» де-
япман-да. Бойга кимнинг ҳаваси келмайди? Менга
катта давлат бер.

Одам айтди:

– Ундай бўлса, орқангга, Вардхаманага қайт. У ерда икки тожир фарзанди яшайди. Бирининг оти Дханагупта – «бойликни яширувчи» дегани. Иккинчимнинг оти Бхуктадхана – бу «бойликдан роҳатланган» дегани. Улар қандай умр кечираётганликларини бил ва шунга қараб бировининг яшаш тарзини танлаб ол.

У шунга айтиб, кўздан йўқолди. Сомилака эса ғоятда ҳайратга ботиб, яна Вардхаманага йўл олди.

Тикувчи кеч тушганда ҳориб-толиб Дханагуптанинг уйини сўраб-суриштириб топиб борди. Дханагуптанинг хотин, бола-чақалари ва бошқа уй аъзоларининг тўнғиллашларига қарамай, у ҳовлига кириб тўғри қуруқ ерга ўтирди. Кечки овқат бўлгач, у тўқ этиб келтириб қўйилган таомни еди-да, шу ернинг ўзида ухлаб қолди. У кечаси яна ўрмонда дуч келган бояги икковнинг гуфтигўсини эшитди. Бирови деди:

– Ҳой, Картар! Нега Сомилакани меҳмон қилишга Дханагуптани мажбур этдинг? Бу унга ортиқча харажат-ку. Сен тўғри иш қилмадинг.

Бошқаси жавоб берди:

– О, Карман! Менинг айбим эмас бу. Мен ўлжаю даромад бераман ва сарф-харажатга тушираман. Ишнинг натижаси эса сенга боғлиқ.

Сомилака уйғониб, Дханагупта ҳазми таомга қийналиб, кун бўйи парҳез қилишга мажбур бўлганини билди.

Сомилака шундан кейин бу ердан чиқиб Бхуктадхананинг уйига қараб жўнади. Бхуктадхана уни ўрнидан туриб, улуғ иззат-икром билан қарши олди, меҳмон қилди, уст-бош инъом этди, ҳурматини ҳўп жойига қўйди. Кейин тикувчига яхшилаб жой солиб беришди. Кечаси у яна бояги икковининг суҳбатини эшитди. Бирови деди:

– Ҳой, Картар! Бутун Бхуктадхана Сомилакани кутиш учун кўп пул сарф қилди. Бу аҳволда у қандай қарзидан қутулади? Ахир ҳаммасини судхўрдан қарз олиб қилди-ку?

Бошқаси айтди:

– О, Карман! Мен бурчимни адо этдим. Ишнинг на-
тижаси сенга боғлиқ.

Эрталаб эса сарой хизматкорларидан бири келиб,
подшоҳнинг пул совғасини Бхуктадханага топширди.

Сомилака буни кўриб, ўйланиб қолди: «Бхуктадха-
на бой бўлмаса ҳам, лекин зиқна Дханагуптадан кўра
яхшироқ экан. Улуғ Видхатардан илтижо қиламанки,
мен давлатнинг фароғатини кўрайин-да, уни одам-
ларга хайр-садақа қилиб улашай. Ўзинг учун пул йи-
ғиб ўтиришдан фойда йўқ».

Видхатар шунда дарҳол унинг тилагини адо этди.

Шунинг учун айтаман-да: «Кимдир давлат топди...»
Азизим Хираниа, ана шуни ҳисобга олгин-да, бойлик-
дан айрилганда қайғуриб ўтирмагил. Айтилган-ку ажир:

Яхши кунда худди гулдай
очилгай порсолар дили
Кулфат тушса, метиндан ҳам
мустаҳкам бўлиб кетар у.

Ва яна:

Такдир розни оппоқ қилди,
Кўк қилди тўтини қисмат,
Ҳашам бирла товус бўлди,
Қазо ҳукми шафқат билмас.

Ва яна яхши айтилган:

Не қиларин билмай илон
ётарди қора ўнгирда,
Ногоҳ сичқон тешиб чиқди
ва қулади унинг комига

Қорни тўйиб илон шўрлик
тарк этди чуқур ичин
Ҳар нарсага қодир тақдир
ҳукмин айламас доно.

Мана шулар ҳақида фикр қилгач, олий карам
тўғрисида ҳам уйлаб кўриш керак. Яна айтилган-ку:

Яхши ният қилмоқ керак
умримиз ганимат ахир,
Қаттиқ тиймоқ керак нафсни
ва бажармоқ аҳдларни,
Қазо қачон етар охир
буни билур киши борми?
Зарбин урса тақдир магар
қутқаргайми тиловатлар?

Шунинг учун энг олий эзгулик қаноатдадир.

Югур-югур ташвиш ичра
бой бўлай деб чопганлар,
Қачон роҳат қилур экан?
Роҳат топмас нафс енгмаган.

Кўп сўзга не ҳожат? Бу ер – ўз уйинг. Ташвиш чек-
май мен билан дўст-ошно бўлиб хотиржам яшайвер.

Мантхараканинг жуда кўп доно китобларда айтил-
ган бу гапларини эшитиб, чеҳраси очилиб Лагжупата-
нака деди:

– Азизим Мантхарака! Сенинг фазилатларингга тараф
йўқ, сенга ишонса бўлади. Хираняни дўстона кутиб ол-
динг, бу дилимни чароғон қилди. Айтилган-ку, ахир:

Бахтиёрдир атрофини бахтиёрлар қуршаган,
Суйиб-севиб дўстларини, дўст томондан севилаган,
Шундай одам ҳеч шубҳасиз олий бахтга эришгай:
Шундай одам чин ҳаётга доим бўлгай муяссар.

Ва яна:

Фақирларга менгзар экан ҳукмдорлар,
Фойда берма уринса ҳам – бари нафсиз.
Бинобарин, ғараз бирла вайрон диллари
Дўстлик ила мустаҳкаммас тахтлари.

Эндиликда кулфатлар уммонига ғарқ бўлган Хирания
сенинг фойдали ўтигларинг туфайли қутулди. Ўзи шун-
дай бўлиши керак:

Ул мўътабар кишиларни
мўътабарлар халос этгай
Кулфатлардан. Филни филлар
қутқаргайдир ботқоқлардан.

Ундан ташқари:

Нажот тилаб келган фақир мабодо
Юз буриб кетмаса, ҳожати чиқмай
Шундагина мақтовга арзир одамлар,
Шундагина қарзини ўтар одамлар.

Яна яхши айтилган:

Ожизларга наф етмаса, жасоратинг не?
Фақирларга соя солмас дов-давлатинг не?
Самарасиз меҳнат бизга не учун керак?
Поёнида уят турса, ҳаёт не ҳожат?

Улар шундай суҳбатлашар экан, сал нарида қўрққа-
нидан дир-дир қалтираган Читранга исми ризола ке-
либ қолди, у овчи таъқибидан ҳавда эди. Уни кўриб,
Лагхупатанака дарахтга чиқиб олди, Хирания қамиш-
лар орасига кирди, Мантхарака эса сувга беркинди.
Бу орада жони ҳалак бўлиб, юрак-бағри куйган Чит-
ранга сув бўйида тўхтади. Шунда Лагхупатанака ҳаво-

га кўтарилади-да, бир йожан атрофни кузатди, сўнг яна дарахтга қўниб, чақирди:

– Чиқавер, чиқавер, азизим Мантхарака! Сенга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Мен ўрмоннинг ҳаммасини қарадим. Бу ерда сув ичгани келган кийикдан бошқа ҳеч ким йўқ.

Шунда яна учовлон жам бўлдилар.

Сўнг меҳмондўст Мантхарака кийикка деди:

– Азизим! Ташналигингни қондир ва чўмилиб ол. Бу ернинг суви мазали ва салқин.

Читранга унинг гапини ўйлаб кўрди-да, ўзига-ўзи деди: «Улардан кўрқиб нима қиладим. Тошбақа сувда юргандагина кучли. Сичқон билан қарга эса ўлимтик ейишади. Шунинг учун яқин борса бўлади».

У шундай деб уларга яқинлашди. Мантхарака эъзоз-икром билан Читрангани қарши олди, салом берди ва сўради:

– Қолинг нечук? Қандай қилиб бу тўқайзор ўрмонга келиб қолдинг?

Кийик айтиб берди:

– Ўз эрким билан юролмай сандироқлаш жонимга тегди! Мени отлиқ овчилар ва итлар қувлади. Лекин қаттиқ чопиб, уларни орқада қолдириб кетдим. Бу ерга сув ичгани келдим. Сизлар билан дўст бўлсам девдим.

Мантхарака буни эшитиб, деди:

– Биз жимит-жимит мавжудотлармиз. Биз билан дўстлашиб нима қиласан? Бир ёрдами тегадиганлар билангина дўстлашиш керак.

Лекин Читранга деди:

Саждагоҳда аблаҳ билан тургандан кўра
Жаҳаннамга доно бирла тушганим маъқул.

Жуссам кичик деб бекорга ўзингни ерга урма. Дарвоқе, яхшилардан фақат шундай сўзларни эшитиш мумкин! Шунинг учун сизлар билан мен дарҳол дўст тутинишим керак. Айтганлар-ку, ахир:

Кучли дўстдан фойда етар,
нафсиз эмас кучсизлар ҳам,
Кутқардилар тўқайзорда
асир филларни сичқонлар.

Мантхарака сўради:

– Бу қандай бўлди?

Читранга ҳикоя қилди:

САККИЗИНЧИ ҲИКОЯ

– Бир жойда одамлар яшаб, сўнг ташлаб кетишган эди, у ерда хароба уйлари ибодатхоналар қолганди. Шу вайроналарда тумонат ўғил-қизлари, неварачеваралари билан бирга сичқонлар макон куришди. Улар вақтларини шод-хуррам кечиришар, тўй-байрамлар қилишар, тўйгунча еб-ичишар ва роҳат-фароғатда кун ўтказишарди.

Кунлардан бир кун филлар ҳукмдори мулозимлари билан сув ичгани сичқонлар макони ёнидаги кўлга йўл олди. Сичқонлар маконидан ўтаркан, филлар шоҳи уларнинг бошларини мажақлар, бўйинларини синдирар, кўзларини чиқарарди. Шунда тирик қолган сичқонлар ўйлаб қолишди: «Бу ярамас филлар бизни босиб-янчиб ташлашди. Агар улар бу ердан яна бир марта ўтса, биздан ном-нишон қолмайди. Айтилган-ку, ахир:

Бир кулса гар ўлдурур шоҳ,
тегиб ўтса ўлдурур фил,
Ажал сочар оғзидан мор,
аблаҳ таъҳимни ўлдирур.

Шунинг учун қутулмоқнинг йўлини дарҳол топмоқ жоиз».

Сичқонлар ниҳоят нима қилишни келишиб олдиларда, кўлга томон равона бўлдилар. Филлар шоҳига таъзим бажо келтириб, дедилар:

– Худо ярлақан! Бу ердан сал нарида азалдан авлод-аждодимизга тегишли маконимиз бор. Шу маконда омон-эсон яшаб, бола-чақа орттирдик, хавф-хатардан фориф умр кечирдик. Мана энди сизлар сув ичгани ўтиб, минглаб қавм-қариндошларимизни босиб-янчиб ташладингизлар. Яна бир марта шу йўлдан ўтсангиз, сўнг биздан ном-нишон қолмайди. Агар раҳм-шафқатингиз бўлса, бошқа йўлдан юринглар. Ахир биздек кичкина махлуқларнинг ҳам бир кунмас бир кун фойдаси тегади.

Филлар шоҳи ўйлашиб қолди: «Майли, буларнинг ҳам айтгани бўлсин», деб сичқонлар илтимосига рози бўлди.

Кунлардан бир кун бир подшоҳ ўз овчиларига фил тутиб келтиришни буюрди. Овчилар дарёга тўғон солиб, филлар шоҳини унинг барча мулозимлари билан бирга қуршаб олдилар, уч кун мобайнида филларни йўғон арқонлар ва бошқа ускуналар билан тортиб чиқардилар ва бақувват дарахтларга боғлаб қўйдилар. Овчилар кетишгач, филлар шоҳи ўйланди: «Ким бизни қутқариб оларкан?» У: «Бизни сичқонлардан бошқа ҳеч ким қутқаролмайди», деган қарорга келди ва бандга тушмай қолган, сичқонларнинг қаерда яшашларини биладиган чўрисига буюрди: «Бошимизга кулфат тушиб, банди бўлганимизни сичқонларга бориб айт», деди. Сичқонлар унинг илтимосини адо қилиб, минг-минглаб бўлиб етиб келдилар. Филлар шоҳи ва унинг мулозимлари сиртмоқда ётганларини кўриб, сичқонлар дарахтларга чирмаб боғланган арқон ва тўшовларни кемириб ташладилар ва филларни банддан озод қилдилар.

Шунинг учун айтяпман-да: «Кучли дўстдан фойда етар...»

Буни эшитиб, Мантхарака деди:

– Азизим! Майли, сен айтганча бўла қолсин. Қўрқма. Бу сенинг уйинг. Шу ерда хотиржам яшайвер.

Шундан бошлаб уларнинг ўрталаридан қил ўтмай-
диган бўлиб қолди. Улар эрталаб егулик ахтариб чи-
қардилар, пешинда Катта кўл бўйида, улкан дарахт-
ларнинг қуюқ соясида учрашиб, яхшилик, турмуш
тажрибалари ва турли илмлар ҳақида суҳбатлашар-
дилар. Бу хусусда яхши айтилган:

Илму дониш, шеър у шуур
билан машғул эрур доно,
Тентак эса ялқовланар,
уйқу урар, вақт ўтказар.

Бир куни Читранга ҳаяллаб қолди. Унинг келмага-
нини кўриб, улар ташвишга тушдилар. Кўнгиллари
хунук бир нарсани сезиб, бошига бир кулфат тушди-
микан деб хавфсирадилар, лекин нима қилиш керак-
лигини билмадилар. Шунда Мантхарака ва Хирания
Лагжупатанакага қараб дедилар:

– Азизим! Биз жуда секин судраламиз, шунинг учун
суюкли дугонамизни қидириб тополмаймиз. Уни, ма-
бодо, арслон еб қўймадимикан, ўрмонда ёнғинда
қолиб кетмадимикин, овчининг чангалига тушмади-
микин? Шунини билиб кел. Зудлик билан йўлга чиқ, Чит-
рангага нима бўлганлигини билган заҳотинг орқантга
қайт.

Бунини эшитиб, Лагжупатанака йўлга тушди ва кўп
ўтмай човроқ ҳовуз бўйида Читрангани кўрди: у кха-
дира шохларидан қилинган қозиққа маҳкамланган
тўрга тушиб қолган эди. Шунда у хафа бўлиб сўради:

– Азизим! Қандай қилиб бу аҳволга тушдинг?

Читранга деди:

– Дўстим! Пайсаллайдиган вақт эмас. Менга қулоқ
сол:

Етган бўлса сўнгги дам, гар ҳалокат ёқаси,
Дўст севиначи дўстига, қувончининг чеки йўқ.

Сени агар хафа қилган ва ё жаҳлингни чиқарган бўлсам, мени кечир! Менинг сўзимни Хираня билан Мантхаракага бориб айт:

Оғир сўз айтиб гоҳо
ранжитган бўлсам сизни,
Марҳамат қилиб мени
маъзур тутингиз охир.

Буни эшитиб, Лагхупатанака деди:

– Азизим! Биз каби дўстларинг бор, ҳеч нарсадан қўрқма. Мен учиб бориб Хираняни олиб келаман, у тузоқларни кемириб ташлайди.

У шундай деб, қаттиқ ҳаяжонланганча Мантхарака билан Хиранянинг қошига учди, уларга оҳиста кийик тўрга тушганлигини сўйлаб берди, сўнг Хираняни тумшугида авайлаб кўтариб Читранганинг олдига қайтиб келди. Уни бу қадар чатоқ аҳволда кўриб, сичқон маъюсланиб деди:

– Азизим! Сен ахир жуда ҳуркаксан, кўзларинг ҳам бағоят ўткир. Қандай қилиб бу бахтсизликка йўлиқдинг? Нега тузоққа илиндинг?

Читранга жавоб берди:

– Дўстим! Сўрашга ҳожат борми? Қазонинг қудратига ким бас келади. Айтилган-ку ахир:

Оғир азоблар уммони экан тақдир,
Тўхтовсиз қиладир сени имтиҳон.
Илож қанча ғойиб қудрат қошида,
Тан бериб турадир мусаллам оқил.

Тақдир ўйинлари сента маълум, о, барака топкур!
Раҳмсиз овчи етиб келмасдан, тезроқ, тузоқларни кемириб ташла.

Хираня деди:

– Қўрқма, мен шу ердаман. Жуда хафа бўлиб кетдим. Нима бўлганини бир бошдан айтиб, дилимга таскин бер.

Читранга айтди:

– Эшитгинг келаётган бўлса, майли, сенга биринчи марта қандай қилиб бандга тушганимни сўйлаб берай, тақдир тақозоси билан яна оёқ-қўлим боғланиб қолди.

Хираня сўради:

– Илгари қандай қилиб бандга тушган эдинг? Менга бошдан-оёқ айтиб бер.

Читранга ҳикоя қилди:

Тўққизинчи ҳикоя

– Олти ойлик бўлганимда, мен сакраб ўйнашни жуда ёқтираддим, узоқ олдинлаб кетиб, кейин ҳамроҳларимни кутиб турардим. Биз, кийиклар, икки турли: баланд ва тўғри сакраймиз. Мен фақат тўғри чопиш ва сакрашни билар, баланд сакрашни эса билмасдим. Кунлардан бир кун ўйнаб юриб тўдадан қолиб кетдим. «Улар қаёқда қолишди экан?» – деб қаттиқ хавотирга тушиб, атрофга аланг-жалаң қарадим ва ҳамроҳларим анча олдинга ўтиб кетганликларини кўрдим. Улар баландлаб чопиб, тўр устидан сакраб ўтдиларда, тўхтаб менга қараб турдилар. Мен баландлаб югуришга ўрганмаганлигим учун овчининг тўрига тушдим, тўдага қўшилиб олиш учун илгарига кучим борича интилган эдим, ерга юзтубан қуладим ва овчи қўйган тўрга батамом чирмалдим. Тўда мени барибир қутқариб бўлмаслигини билиб, қочиб кетди. Овчи келиб, мени кўриб, раҳм қилди. «Бу кичкина оҳу фақат томошага ярайди», деб ўйлаб ўлдирмади. Мени авайлаб уйига элтди, кейин шаҳзодага ўйин ва эрмак учун тортиқ этди. Шаҳзода хурсанд бўлиб, овчига қуюқ ҳадялар берди, сўнг мени чўмилтирди, эркалаб ширин овқатлар билан боқди, устимга анвойи мушканбарлар, атир-эликлар суртди. Бироқ ҳарамда яшовчи хотинлари ва бола-бақра жуда қизиқиб қолиб, ҳолжонимга қўйишмас, бўйним, кўзим, қўл-оёқларим,

қулоқларимдан тортқилашар, оғритишар, менга азоб беришарди. Бир куни ёмғир ёғаётган эди, мен шаҳзода сўрисининг тагида ётиб, момақалдироқ товушини эшитдим ва чақмоқ чаққанини кўрдим. Юрагим орзиқиб кетди, тўдамни эслаб, шундай дедим:

Қочиб борур бўрондан неча кийик тўдаси,
Қачон насиб этаркан улар билан кўришмоқ?

Шаҳзода: «Ким айтди буни?» – деб ўйлаб, кўрққанидан юраги дук-дук уриб, сўри тагига қаради-да мени кўрди. Шунда у: «Буни оху айтган экан-да! Бир нарса бўлаётганга ўхшайди. Ўлдим», – деб ўйлади. Ва вужудига оғриқ дев кириб олгандай гандираклаб уйдан чиқди. Шаҳзода, мени алвасти бости деб хаёл қилиб, сеҳргарлари ва афсунгарларни чақириб, деди: «Ким мени бу касалдан қутқарса, зўр мукофотлар олади ва катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади». Йиғилганлар узоқ ўйлаб ўтирмай мени ўтин, ғишт ва тўқмоқлар билан савалай кетишди. Фақат битта раҳмдил киши: «Бу жониворни ўлдиргандан фойда йўқ», деб, мени халос этди ва мен тирик қолдим. У менинг маҳзунлигим сабабини билиб, шаҳзодага маълум қилди:

– Азизим! Ёмғир ёғаётганда у ўз тўдасини эслаб қайғурибди ва айтибдики:

Қочиб борур бўрондан неча кийик тўдаси,
Қачон насиб этаркин улар билан кўришмоқ?

Нега сенинг ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ иссиғинг чиқиб кетди?

Шаҳзода буни эшитиб касалдан фориг бўлди ва кўнгли жойига тушиб, ўз одамларига деди:

– Кийикнинг бошини ювиб, ўрмонга қўйиб юборинглар.

Улар шундай қилдилар.

Шундай қилиб, мен тақдир тақозоси билан иккинчи бор банди бўлдим.

Бу орада Мантхарака дўстига муҳаббати зиёда бўлиб, қамишзорлару бутазор ўтлоқлардан ўтиб, етиб келди. Шунда Хираня Мантхаракага деди:

– Азизим! Уйингни ташлаб бекор келибсан. Ахир сен овчидан қочолмайсан, бизни эса у тутолмайди. Мен тўрни кемириб ташлаганимдан сўнг, овчи яқинлашиб келса, Читранга қочади, Лагхупатанака дарахтга учиб чиқади, мен эса шунчалик кичкинаманки, биронта тешик-туйнукка осонгина беркиниб оламан. Унинг кўзн сенга тушиб қолса, нима қиласан?

Лекин Мантхарака эътироз билдирди:

– Ундай дема! Ахир:

Марҳамлардан ҳам шифобахш
Дўстлар меҳри бўлмаса гар,
Метиндек одамни ҳам дард
Чўктирар ё пул йўқотиш.

Ва яна:

Вафодор дўстлар билан
Ўтказган кунларимиз
Маъюс ҳаёт саҳросида
Биз учун мисли байрам.

Бу орада овчи ўқ-ёйини кўтариб келиб қолди. Шунда Хираня унинг кўз олдида тўрни кемириб узди ва ўзи айтгандай бир тешикка яширинди, Лагхупатанака осмонга кўтарилиб учиб кетди, Читранга тез қочди. Тўрнинг йиртилиб ётганини кўриб, таажжубга тушган овчи деди:

– Кийиклар тўр йиртганини ҳеч қачон кўрмаган эдим! Тақдир экан, кийик қочибди.

Лекин ҳеч қутилмаган ерда у тошбақани кўриб қолиб, одам боласи эмасми, ўйлади: «Тақдир тақозоси

билан кийик тўрни йиртиб қутулибди, лекин, қаранг-ки, мен тошбақа топиб олдим! Айтилган-ку ахир:

Осмонга чик, ерга туш, фақат қазо буюрган
Қўлингга киргай мудом, ўзгаси, бил абасдир.

Шундай деб ўйлаб, у пичоғи билан қиёқ ўтдан кесиб, пишиқ арқон ясади-да, тошбақанинг оёғидан маҳкам қилиб боғлади, кейин арқонни ёйга ўтқазди-да, йўлга равона бўлди. Мантхаракани олиб кетаётганларини кўриб, Хираня хафаланиб, деди:

– Шўримиз қуриди! Шўримиз!

Денгиз каби чексиз бир кулфат
Тутамай туриб ҳали, қаранг –
Иккинчиси ёғилди бошга
Ғаддор кулфатнинг бош-кети йўқ.
Йўл равон бўлса керак, текис кетиб борамиз,
Лек бир қоқилиб тушсак, кейин чатоқ, кўринар.

Ва яна:

Оғир дамда сени доғда қолдирмайдиган
Хотин, ҳамроқ ҳамда камонни топиш қийин.
Чин дўстлар ноёбдир, ошнолар сонсиз-саноқсиз,
Садоқатли дўст топганни тақдир ўзи алқагай.

Нега тақдир мени тўхтовсиз таъқиб қилади? Аввал мен давлатимдан айрилиб, қавм-қариндошнинг лаънатига учрадим. Бошим ғамга ботиб юртимдан чиқиб кетдим. Энди тақдир мени дўстимдан жудо қилмоқчи. Айтилган-ку ахир:

Ачиниб ўтирма пул йўқотдим деб,
Омад келса, қайтар давлатинг.
Лекин нечук қайгурмай ахир
Боз дўстимдан айрилиб қолсам?

Бунинг устига:

Яхши-ёмон ишларимиз тўхтовсиз
Оқиб келар бири кетидан бири.
Бошқа дунё сарҳадига етганда,
Туғилади улар мутлоқ бошқатдан.

Тўғри айтганлар:

Хатарсиз ҳеч киши бўлмас,
келар бахтдан кейин кулфат
Бирикиб, сўнг тарқалар,
ҳаммаси эрур омонат.
Шўрим қурсин! Мен дўстимдан
Жудо бўлдим, энди ҳатто
Ака-укам бермас мадад.
Ҳақиқатан, тўғри экан:
Қайғу-ғамда таянчинг ҳам
умид-севги косаси ҳам
Ахир, дўстлик шу эмасми?
Икки бўғинлик хазина.

Ва яна:

Бўлмасайди қарилик, ўлим, туғилиш,
Бўлмасайди айрилиқнинг аччиқ алами,
Бўлмасайди бу дунёда бари ўткинчи
Бахтсиз бўлмас эди чунон бари одамлар.

Хираня шу тариқа қайғуриб, шиква-шикоят қилар-
кан, унинг олдига инграб-инқиламаганча Читранга би-
лан Лагхупатанака етиб келдилар. Шунда Хираня
деди:

– Мантхарака ҳали узоқ кетгани йўқ, уни қутқариш
чораси бор. Читранга, сен билдирмасдан овчини қувиб
ўт, бирон сувли жойни кўргач, қирғоққа чўзилиб ёт-
да, ўзингни ўлганга сол. Лагхупатанака, сен Читран-

ганинг шохлари орасига ўтириб ол-да, ўзингни унинг кўзини чўқиётгандек кўрсат. Шунда бу пасткаш овчи: «Ий-е, бу ўлган кийик-ку», – деб очкўзлик билан тошбақани ерга ташлаб, Читранга томонга югуради. У нари кетиши билан мен Мантхаракани бўшатаман, у сувга тушиб беркинади, мен эса қамишзорга кириб оламан. Юхо овчи яқинроқ келгач, Читранга даст туриб қочади. Ҳаммамиз шу тариқа қутуламиз.

Улар шундай қилдилар. Дарё бўйида ўлиб, кўзини қарға чўқиётган кийикни кўриб, овчи қувонганидан тошбақани ерга ташлаб, тўқмоғини кўтарганча чопди. Читранга унинг қадам товушларини эшитиб, яқинлашиб қолганини сизди-да, ўрндан сакраб туриб, қоронғи ўрмонга қараб қочди, Лагжупатанака эса да-рахтга учиб қўнди. Бу орада Хираня тошбақа боғланган арқонни кемириб узди, Мантхарака ўзини сувга урди, Хиранянинг ўзи эса қамишзорга яширинди. Алданган, ҳайрон бўлган овчи умидини узиб тошбақани қолдирган ерга қайтиб келди, арқони бармоқдай-бармоқдай юз бўлак бўлиб ётганлигини кўрди. Тошбақа сеҳрлангандай ғойиб бўлганини кўриб, у ақлдан озмадимикан деб, кўрқиб кетди ва атрофга аланг-жаланг қарай-қарай уйига шошиб жўнади. Қарға, сичқон, тошбақа ва кийик жонлари саломат, яна бир ерга жам бўлдилар, назарларида ёруғ дунёга қайта келгандай эдилар. Ўшандан буён улар бир-бирларига муҳаббатлари зиёда бўлиб, бахтиёр кун кечирдилар. Айтилган-ку ахир:

Махлуқларни қовуштирган
бу иттифоқ мақтовга лойиқ
Ўткир идрок берди бизга,
биз-чи, нима қилмоқдамиз?

«Дўстлар орттириш» деган иккинчи китоб шу ерда тутади. Унинг биринчи байти шундай эди:

Гарчи ожиз, қашшоқ эрур,
лек доно иш кўрса дўстлар,
Худди қарға, кийик, сичқон,
тошбақадай энгиб чиқишур.